

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил апрель ойининг 4-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Каримов, Ш.Мухаммаджоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Ахроров, судланувчи А.Исмоилов, жабрланувчилар Х.Ғоипов ва Ш.Саттороваларнинг иштирокида, судланувчи Исмоилов Асадбек Равшанбек ўғлига оид 1-1513-2302/61-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Исмоилов Асадбек Равшанбек ўғли (ISMOILOV ASADBEK RAVSHANBEJ O'G'LI) - 1997 йил 6 июнь куни Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, уйланмаган, маълумоти ўрта, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2021 йил 4 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2021 йил 17 декабрдаги ажрими билан ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмай қолган 9 ой озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган;

2) жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2022 йил 20 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаларига асосан 2 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2022 йил 8 июлдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 7 ой 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазо ўтамоқда, ёлланма ишчи, Марғилон шаҳар, Зухро маҳалла фуқаролар йиғини, Зузро кўчаси 37-уй, 8-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 10 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб,



суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, тарафлар музокараси ва судланувчиларнинг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи А.Исмоилов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан 2022 йил 08 ноябрь куни соат 23⁰⁰ларда Марғилон шаҳар, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчасида жойлашган “Алоқа бўлими” биноси олдида Х.Ғоипов ва Ш.Саттороваларнинг ёнига бориб, уларни қаерда яшашларини ва нима қилаётганлиги ҳақида сўроқ-савол қилиб, атрофдаги одамларнинг кўз-ўнгида ошкора тарзда Ш.Сатторова билан тортишиб, ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида тинчлантирмоқчи бўлган Х.Ғоиповнинг юзига қисмига уриб тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2022 йил 11 ноябрдаги 3742-сонли ҳулосасида, Ш.Сатторовада ўнг қўл 5-бармоқ соҳасининг тирналмаси аниқлангани, тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас юзаси чегараланган жисм таъсирида етказилганлиги, оғирлик даражаси 6 кундан давом этмайдиган енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2022 йил 17 ноябрдаги 3743-сонли ҳулосасида, Х.Ғоиповда бурун соҳасининг юмшоқ тўқимаси лат ейиши ва қонталаш аниқланганлиги, тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмлар таъсирида етказилганлиги, оғирлик даражаси 6 кундан давом этмайдиган енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи А.Исмоилов суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлиб, 2022 йил 08 ноябрь куни соат 23³⁰ларда у Марғилон шаҳар Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги озиқ-овқат дўконидан нарсалар харид қилиб ўртоғим М.М.Мамасодиқов билан уйга қайтишаётиб, ўша ердаги “Алоқа бўлими” биноси олдида жабрланувчи Х.Ғоипов ва Ш.Саттороваларни яқин турган ҳолатда туришганини кўриб, кеч бўлганда нима қиладиганини билиш учун бориб, улардан бу ерда нима қилиб туришганини сўраганида, Х.Ғоипов унга нима иши борлигини айтгани, шунда Ш.Сатторова уяли телефон апаратини олиб, уни видеога ола бошлаганида, видеога олмаслигини айтиб, қўлига туртиб юборгани, Ш.Сатторова уни уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани, шунда Х.Ғоипов эса ажратмоқчи бўлганида, уни юз қисмига қўли тегиб кетгани, шунда ИИБ ходимлари келиб, уларни ажратиб қўйишгани, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчилардан кечирим сўраб, моддий зарарни қоплагани, енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

Судланувчи А.Исмоилов ўзига нисбатан эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

-жабрланувчи Х.Ғоиповнинг суддаги, у жабрланувчи Ш.Сатторова яхши танишини, у билан 2022 йил 08 ноябр куни соат 23³⁰ларда Марғилон шаҳрида жойлашган “Алоқа бўлими” биноси олдида гаплашиб туришганида, шунда



судланувчи А.Исмоилов ёнларига келиб, уларга нима қилиб туришганини сўраганида, унга гаплашиб туришганини айтгани, шунда у уларни қаерлик эканликларини, Ш.Саттарова унга ким бўлишини сўраганида, Ш.Сатторова унга нима иши борлигини айтгани, шунда у уни уриб юборгани, шунда Ш.Сатторова уни уяли сўз билан ҳақорат қилиб, чўнтагидан “Самсунг А53” русумли телефон аппаратини олиб, ҳолатни видеотасвирга олмоқчи бўлганида, уни видеога олмаслигини айтиб, қўли билан унинг телефониغا ургани, уяли телефон аппарати ерга тушиб шикастлангани, шунда бақир-чақир бўлиб кетгани, ИИБ ходимлари келиб, уларни ажратиб қўйишгани, ҳозирда судланувчи А.Исмоилов ундан узр сўрагани, даъвоси йўқлигини, енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

-жабрланувчи Ш.Саттарованинг суддаги, 2022 йил 8 ноябрь куни соат 23³⁰ларда Марғилон шаҳрида жойлашган “Алоқа бўлими” биноси олдида жабрланувчи Х.Ғоипов билан гаплашиб турганида, судланувчи А.Исмоилов келиб, нима қилиб туришганини сўраганида, унга гаплашиб турганини айтишгани, шунда у Х.Ғоиповни уриб юборганида, у уяли телефон аппаратини олиб, ушбу ҳолатни видеотасвирга олаётганида, уни қўлига уриб юборгани, шунда уяли телефон аппарати ерга тушиб кетгани, ИИБ ходимлари келишиб, уларни ажратиб қолишгани, ҳозирда судланувчи А.Исмоилов кечирим сўрагани, даъвоси йўқлигини, унга енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

-гувоҳ М.Мамасодиқовнинг суддаги, 2022 йил 8 ноябрь куни соат 23³⁰ларда у судланувчи А.Исмоилов билан уйга келишаётганида, “Алоқа бўлими” биноси олдида жабрланувчи Х.Ғоипов ва Ш.Саттороваларни гаплашиб туришганини кўриб, судланувчи А.Исмоилов уларни олдида боргани, улар билан ниманидир гаплашиб, ўзаро жанжаллашиб кетишгани, шунда уларни олдида бориб, уларни ажратгани, шунда ИИБ ходимлари келиб қолишгани, жабрланувчи Ш.Сатторова бақир-чақир қилиб юборгани, лекин қоранғу бўлганлиги сабабли жанжални аниқ кўра олмагани ҳақидаги кўрсатуви;

Баён этилганлардан ташқари, судланувчи А.Исмоиловнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, жиноят ишидаги судга оид тиббий экспертизанинг 2022 йил 11 ноябрдаги 3742-сонли хулосаси (и.в.10-11), судга оид тиббий экспертизасининг 2022 йил 17 ноябрдаги 3743-сонли хулосаси (и.в.13-14), тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ў.Матмўсаев дастлабки терговда гувоҳ М.Мамасодиқовнинг кўрсатувини тасдиқлаб берган кўрсатуви (и.в.41-43) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топди.

Судланувчилар А.Исмоиловнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи А.Исмоилов А.Исмоилов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан 2022 йил 08 ноябрь куни соат 23⁰⁰ларда Марғилон шаҳар, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчасида жойлашган “Алоқа бўлими” биноси олдида Х.Ғоипов ва Ш.Саттороваларнинг ёнига бориб, уларни қаерда яшашларини ва нима қилаётганлиги ҳақида сўроқ-савол қилиб, атрофдаги одамларнинг



кўз-ўнгида ошкора тарзда Ш.Сатторова билан тортишиб, ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида тинчлантормоқчи бўлган Х.Ғоиповнинг юзига қисмига уриб тан жароҳати етказган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин” деб, 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” деб, 10-моддасида “Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” ги 9-сонли қарорининг 1-бандида “безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлар аро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) кўпол тарзда бузиш тушунилади” деб раҳбари тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим” лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” лиги ҳамда 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Исмоиловга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, унинг содир этган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар



тоифасига киришлиги, судланувчининг шахси, моддий зарарлар тўлик қоплангани, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини енгиллаштирувчилар ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, оғирлаштирувчига ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

Суд, иш бўйича судланувчи А.Исмоиловга нисбатан қўлланилган ва Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалининг 20203000000194064001-сонли депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.000.000 сўм гаров пули гаровга қўювчи Р.Мирзарахимовга қайтаришни лозим деб топди.

Иш бўйича жабрланувчилар Х.Ғоипов ва Ш.Саттороваларнинг даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризаларини инобатга олишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

х у к м қ и л д и:

Исмоилов Асадбек Равшанбек ўғли (ISMOILOV ASADBEK RAVSHANBEK O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Исмоиловга, у айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисми “а,г” бандларида назарда тутилган жинояти учун яшаш жойи бўлган Марғилон шаҳар, Зухро маҳалла фуқаролар йиғини, Зухро кўчаси 37-уй 8-хонадонда у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 20⁰⁰ дан 6⁰⁰ га қадар чиқишни чеклашдан иборат 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.Исмоиловга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2022 йил 20 январдаги ҳукмига кўра тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмаган қисмини янги ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил яшаш жойи бўлган Марғилон шаҳар, Зухро маҳалла фуқаролар йиғини, Зухро кўчаси 37-уй 8-хонадонда у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 20⁰⁰ дан 6⁰⁰ га қадар чиқишни чеклашдан иборат 4 (тўрт) йил

1 (бир) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ижро этилишини назорат қилувчи орган рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбурияти юклансин.

Жазо муддати маҳкум жазо ижросини назорат қилувчи органда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Марғилон шаҳар ИИБ пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

А.Исмоиловга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека



банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалининг 20203000000194064001-сонли депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.000.000 сўм гаров пули гаровга қўювчи Р.Мирзарахимовга қайтарилсин.

Иш бўйича жабрланувчилар Х.Ғоипов ва Ш.Саттороваларнинг даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризалари инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олгандан сўнг йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Каримов

Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович



Ҳужжат имзоланган: Каримов Шукуржон Каримович, 05.04.2023

